



Андижон лафзи асли Андигон бўлса керак. Бу Форсистондан кўшулгондур. Чунончи, «бандигон» ёки «мардигон» дегандек, форсийда «гон» — «лар» ўрнида, «мардлар» ёки «озодагон» - «озодалар» деган сўздек, «Андигон» - «андилар» деган сўз. «Анд» турк уругини(нг) ўзбекларини айтур. Бул хам форсийлар тарафидин айтилгон бўлиб, асли Андижон форсийлар, яъни эронийлар кулига ўтмасдан аввал хам бор эди. Чунончи, тарихи «Кутадгу билик»да ёзибдурки, Ўғузхоннинг Хиндустонга юргонининг зикрида айтур. Ўғузхон тамоми лашкари мўғуллар илан Талас ва Сарём келди. Тошканд ва Самарканд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб уруша билмайдилар. Улуг шаҳар ва маҳкам калъаларга беркиндилар. Ўғузхон Тошканд ва Сарёмни ўзи қамаб олди. Туркистон ва Андижонга ўғлонларини юборди. Онлар 6 ойда Туркистон бирлан Андижонни олуб, атоси хизматига келдилар, дейдур. Яъни Ўғузхон замонида хам Андижон шаҳар экан. Бу исм ила машҳур экан. Ўғузхон Бўкухонни(нг) саккизинчи бобосидур. Яъни Бўкухон Афросиёбни(нг) мўғулча исмидир. Афросиёб лақаби фарран осийё деган сўздур. Фаргонани Афросиёб бино қилди. Фаргонадан аввал Кубо бино бўлди, Кубодни(нг) вақтида. Аммоки Андижонни(нг) қайси подшоҳни(нг) биноти эканлигига мўътамад тарих ва маълумотимиз бўлмагандан бул тарихларга иктифо қилинди.

Тарихи «Кутадгу»дан мустафод бўлурки, Андижон тўрт минг йилдан муқаддам, яъни Ўғузхон вақтида шаҳар бўдса андан аввал хам ободон шаҳар экан. Ўғузхон ҳазрати Нух алайҳиссаломни(нг) тўққузунчи ўғилларидур. Валхосилки, Андижон Фаргона шаҳарлари ичинда энг аввалги ва қадимийдур. Андин Афросиёб вақтига келганда, Афросиёб Турон подшоҳи бўлиб, Андижонни пойтахт қилиб, Қўниқдар шаҳридин гоҳо Тошканд ва Андижон келур экан. Аммоки, афвоҳи носда қариялар сўзидурки, Андижон асли Одинажондур. Одинажон Афросиёбни(нг) қизидурки, анга ўрда ва бог бино қилиб бериб, ани(нг) исмига тасмия қилиб эди. Одинажонни тилда бузуб, ағлоти авом ила Андижон қилган, дейдурлар. Бар ҳар боб бир эски шаҳар бўлуб, неча мартаба бузулуб, яна обод бўлуб, табодули замон ва инқилоби овон илан тузалуб, бузулуб, обод бўлган эски шаҳардур. Аммоки, «Тарихи фаришта»да ёзилибдур-ки, Умаршайх ўғли Бобурхон Андижонга саккиз юз тўқсон тўққузунчи хижрийда ўн икки ёшида подшоҳ бўлди. Тарихи валодатига шул тариқа назм қилибдур. Назм:

Андар шаши мухаррам, зод он шахи мукаррам, Тарихи мавлидаш хам омад «шаши мухаррам»¹.

Аммоки, Умаршайх Мирзо душанба куни 14-мухаррам рамазонда 899 хижрийда кабутархона томидан йикилиб мархум ўлдилар. Бобур Мирзо баиттифоки умаро подшоҳ бўлди. Ул вақтда Аҳси подшоҳи Узун Ҳасан подшоҳ эди. Аммо Фарғонада Ҳасан Яъқуб подшоҳ эди, дейдур.

1030 хижрийдаги зилзилада Аҳсикент бузулган. Зилзилада Андижон ҳам бузулган эди. Яна андин буён Русия тасарруфига ўтгандан сўнг тезрок ободликка кадам қўйган эдики, 1316 хижрийда бўлган зилзила ҳаммани(нг) маълумидур. Анда яна зилзила бўлуб, бузулуб, ҳукуматдан имдодлар бўлиб, аввалгидан неча даража обод бўлган. Мундан аввалги ободликни билмак бўлган киши «Бобурнома» тарихини кўрса бўлур.

Ерларини(нг) ҳосилдорлиги, саноатлари ҳаммаси Фарғона бобида ёзилиб ўтди, такрорга ҳожат қўрулмади. Бинобарин, сўзимиз татвил этмай, каноат этдук.

Исхок тўра ИБРАТ, "Тарихи Фарғона"